

**O'ZBEKISTONDA
XORIJIY
TILLAR**

Ilmiy-uslubiyatlik elektron jurnali

**FOREIGN
LANGUAGES
IN UZBEKISTAN**

Scientific-methodological electronic journal

**ИНОСТРАННЫЕ
ЯЗЫКИ В
УЗБЕКИСТАНЕ**

Научно-методический электронный журнал

ISSN
2181-8215 (Online)

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ ТАКЛИД СЎЗЛАРНИНГ ПРАГМАТИК МАЪНОСИ



Гулчехра Эгамбердиевна ҒАНИЕВА
Инглиз филологияси кафедраси ўқитувчиси
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университети
gulidil.425umurzakova@mail.ru

Аннотация

Маърузада таклид сўзларнинг тил эгаси томонидан воқеликдаги турли товушлар ёки кўринишларга таклидидан ҳосил қилинувчи сўзлар бўлгани боис бу товуш ва кўринишларни ҳосил қилувчи предметларга бевосита ишора қила олиши ва бу ҳолат барча турдаги таклид сўзларга бирдек хос эмаслиги ҳақида ўзбек ва инглиз тили мисолида кенг таҳлил қилинган.

Abstract

This report considers words as created in association with the sound it's describing in examples of onomatopoeia of Uzbek and English languages and how words are just random noises that don't mean anything until we associate meaning with them.

Аннотация

В докладе рассматриваются звукоподражающие слова на примере английского и узбекского звукоподражательных слов, в которых можно проследить соотношение звуковой формы со значением слова, а также содержательную связь между звучанием и значением. Звукоподражательные слова представляют собой и сигналы, «которые подчиняются иным законам, чем обычные слова». Они приблизительно имитируют естественные шумы и звуки.

Калит сўзлар: таклид сузлар,товуш , “лисоний киёфаси”, прагматик вазифа.

Keywords: Onomatopoeia, sound, “linguistic figurativeness”, pragmatic task.

Ключевые слова: звукоподражающие слова, звук, “языковой образ”, прагматическое задание.

Инсон воқеликдаги нафақат маълум предметлар, ҳодисаларга, балки турли товуш ва кўринишларга ҳам тил орқали «лисоний киёфа» беради. Тилшуносликда турли товушлар, образ ва кўринишларга нисбатан кўлланувчи бундай сўзлар таклид сўзлар дейилади. Таклид сўзлар турли товуш ва кўринишларнинг «лисоний киёфаси» бўлгани учун ҳам товуш ва кўринишларни юзага келтирган «бажарувчи»га бевосита ишора қилиб туради. Таклид сўзлар инсон тафаккурида ассоциатив тарзда у билан боғлиқ тушунчаларни юзага келтиради. Масалан, *дук-дук* таклид сўзи ўзбеклар



онгида бу сўз билан ассоциатив боғланган *юрак* сўзини, *шалоп* сўзи эса *сув*, *кўлмак* кабиларни гавдалантиради. Инглиз тилида эса *waa, waah, bawww, boo-hoo*, сўзи инглиз халқи тафаккурида бу товушни ҳосил қилувчи чакалокни гавдалантиради. Ўзбек тилида эса айни шу товушга нисбатан *биз-биз* сўзи ишлатилади. Гарчи товуш ва уни ҳосил қилувчи предметлар бир бўлса ҳам, тил эгаларининг бу товушни ҳар хил идрок этишлари сабабли ҳам улар тилларда турлича «лисоний киёфа»га эга бўлади. Д.Лутфуллаева ва Л.Бобохоновлар таклид сўзларнинг турли халқларда фонетик фаркланишини бу туркум сўзларнинг нутқ субъектининг менталитети, дунёкараши ҳамда воқеликка бўлган субъектив муносабати билан алоқадорлиги билан боғлайдилар.

Таклид сўзлар турли тилларда фонетик жиҳатдан фаркланса-да, улар барча тилларда ҳам товуш ёки кўринишларни ҳосил қилган бир турдаги предметларга ишора қилади. Бу ҳолат таклид сўзларнинг қандай тил эгаси томонидан ҳосил қилинганига қарамай, улар учун умумий белги – товуш ёки кўринишни юзага келтирган «бажарувчи», яъни предметга ишора қилиш белгиси мавжудлигини кўрсатади. Таклид сўзларга хос бундай ишора белгиси (дейктик белги) прагматик аспектга алоқадор вазифадир. Қуйидаги матнда келтирилган *қу-қу-қу* қичқириғи инсон томонидан айтилган бўлса-да, унинг кишилар онгида бевосита хўрозга ишорани ҳосил қилиши тасвирланган: – *Қу – қу – қу! – дея қичқириб юборди. Одамлар аввалига овоз қаёқдан келганини пайқамай, бир хиллари томга, яна бир хилари дарахтларнинг шохига кўз ташлаб олишди. Капитан иккинчи марта қичқирган эди, даврада гур этиб қулги кўтарилди.* (Х.Тўхтабоев. «Сарик девни миниб»)

Воқеликдаги турли товуш ва кўринишлар тилга трансформация қилинар экан, ҳосил қилинган бирликда тил эгасининг миллий- маданий қарашлари, руҳияти, воқеликка муносабати кабилар ҳам акс этади. Бундан маълум бўладики, таклид сўзлар воқеликнинг шунчаки оддий «нусаха»си эмас. Таклид сўзлар воқелик ҳақидаги тасаввурнинг миллий-маданий муносабатлар, руҳий ҳолатлар билан мазмунан бойитилган «нусахаси»дир. Айниқса, бу жараёнда таклид сўзларга тил эгасининг руҳий ҳолати билан боғлиқ ҳолда шакланган субъектив муносабатининг «бириктирилиши» муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, тил эгасининг руҳий ҳолати унинг нутқидан билиниб туради. Бежизга тил инсон руҳиятининг кўзгуси сифатида баҳоланмайди. Тил эгаси ўз нутқида салбий муносабатни ифода этувчи таклид сўзни ижобий муносабатини ифода этишда ҳам қўллай олади. Ўзбек ва инглиз тилларидаги қуйидаги матнлар таҳлилига эътибор қаратамиз:



1. Унинг тиришқоқлигини айтиб берсам, ёқангизни ушлайсиз. Кун бўйи тиним йўқ – гимир-гимир. Митти қўллари чарчамаганига ҳайронман. (Х.Тўхтабоев. «Сарик девни миниб»)

Маълумки, *гимир-гимир* сўзи «сезилар-сезилмас тарздаги қимирлаш, шарпани билдиради». Аммо ўзбек тилидаги матнда бу сўз сезиладиган чакқон ҳаракатга нисбатан қўлланиши натижасида нутқ эгасининг ижобий муносабатини акс эттирган.

Ўзбек ва инглиз тилларидаги матнлар таҳлилидан маълум бўладики, тақлид сўзларнинг сўзловчи субъектив муносабатини ҳам акс эттириши уларни прагматик аспектда тадқиқ этиш заруриятини юзага келтиради.

Д.Лутфуллаева ва Л.Бобохоновлар ўзбек тилидаги айрим тақлид сўзларнинг прагматик хусусиятини текшириб, уларнинг қуйидаги вазиятларда прагматик вазифа бажаришини қайд этишади: «... ўзбек тилида тақлид сўзлар: а) дейктик (ишоравий) хусусияти асосида нутқда прагматик вазифа бажаради; б) нутқ субъектининг воқеликка баҳо муносабатини ифода этганда прагматик вазифа бажаради; в) нутқий мулоқат жараёнида нутқ субъектининг коммуникатив ниятига боғлиқ ҳолда яширин пропозицияга ишора қилиш вазифаси юклатилганда прагматик вазифа бажаради».

Ўзбек тилидаги тақлид сўзларнинг қайд этилган прагматик вазифалари инглиз тили тақлид сўзлари учун ҳам хос. Бироқ тақлид сўзлар тил эгасининг миллий-маданий хусусиятлари, руҳий ҳолати, коммуникатив нияти билан боғлианиши сабабли бу тилларга хос тақлид сўзларнинг прагматик маъноларида фарқли жиҳатлар кузатилади. Масалан:

– Қанақа ит бўлай?

– Масалан... нима десам экан? Сиз, хўш, айтайлик, қари итсиз, кун бўйи кўчада, дарвоза ёнида ётасиз, ўтган-кетган билан ишингиз йўқ. Ҳамма нарса жонингизга теккан. Фақат сизни тинч қўйишса бас. Лекин ёш болалар сизга кун бермайди: тошми, бақлажондан бўшаган консерва қутисиними отиб туришади. Қани уйғоқмикин, деб жунингиздан тортиб ҳам кўришади. Мана, бир йўловчи бехосдан этигининг пошнасидан билан думингизни босиб олди. Қани айтинг-чи, сиз иунда қандай муомала қиласиз?

Бошимни кўтариб: «Ирррррррр» дейман-да, ётавераман, – дедим шоша-тиша. (Х.Тўхтабоев. «Сарик девни миниб»)

Ушбу матнда қўлланган «ирррррррр» тақлид сўзини *и*, *р* товушлари комплексининг шунчаки вербал ифодаси десак янглишамиз. Бу тақлид сўзда товуш эгасининг руҳий ҳолати, ижтимоий ҳаётга муносабати, ёш хусусияти кабилар ҳам ўз ифодасини топган. Ёзувчи ушбу тақлид сўз орқали товуш эгасига хос мана шу хусусиятларга урғу беришни мақсад қилган. Демак,



таклид сўзлар тил эгасининг муайян мақсадини акс эттириши жиҳатидан ҳам аҳамиятга эга.

Хуллас, ўзбек ва инглиз тилларида таклид сўзларнинг воқелик ва унда кечаётган жараёнларга ишора қилиши белгиси бирламчи бўлиб, бу белгиси асосида уларнинг прагматик вазифаси бевосита юзага чиқади. Таклид сўзлар орқали нутқда субъектив муносабат ёки нутқ эгасининг яширин характердаги қўшимча ахборотининг ифодаланиши эса доимий белги ҳисобланмайди. Таклид сўзларга хос бу прагматик белгилар тил эгасининг коммуникатив мақсади асосида нутқда реаллашади.

Ўзбек ва инглиз тилларида таклид сўзларнинг ишора белгиси асосида прагматик вазифа бажариш имконияти анча кенг. Қуйида бу масала юзасидан хулосаларимизни баён этамиз.

Ўзбек ва инглиз тилларида таклид сўзларнинг дейктик хусусияти асосида прагматик вазифа бажариши. Юқорида кайд этилганидек, таклид сўзлар тил эгаси томонидан воқеликдаги турли товушлар ёки кўринишларга таклидан ҳосил қилинувчи сўзлар бўлгани боис бу товуш ва кўринишларни ҳосил қилувчи предметларга бевосита ишора қила олади. Бирок бу ҳолат барча турдаги таклид сўзларга бирдек хос эмас.

Масалага оид манбаларда таклид сўзларнинг шахсга ишора қилиши ҳам кайд этилади. Жумладан, Д.Лутфуллаева, Л.Бобохоновлар «*анишу*» таклид сўзининг дейктик вазифа бажаришга махсус йўналтирилиши ҳақида фикр юритишади.

Ўзбек ва инглиз тилларида бевосита шахсларга ишора қилувчи таклид сўзлар мавжуд. Бундай таклид сўзлар кишиларнинг товуш ва кўринишларига таклидан ҳосил қилингани боис улар бевосита шахсларга ишора қилади. Умуман, ўзбек ва инглиз тилларидаги таклид сўзларни дейктик белгиси асосида қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Нарса-предметларга ишора қилувчи таклид сўзлар: *тан-тун, қарс, ялт-юлт, вагир-вугур, тақ-тақ,*

boom, bang, gurgle, ding, dong, dung, dipp dopp dopp, rat-tat-tat, thump, plonk, crash, wham, knock knock, caboom, snip.

Ҳайвонот оламига ишора қилувчи таклид сўзлар: *миёв-миёв, чи-чи, қу-қу, вов-вов, чирқ-чирқ,*

baa, bow wow, quack, moo, meow, wuff, oink.

Қушларга таклид

cock-a-doodle-doo, cuckoo, coo, tweet, chirp, chirrup.



3. Кишиларга ишора қилувчи таклид сўзлар: *қаҳ-қаҳ, ҳанг-манг, гинг-тинг, чўлп-чўлп, аланг-жаланг,*

hic, cough, ha ha ha, atchoo.

4. Табиат ҳодисаларига ишора қилувчи таклид сўзлар: *жимир-жимир, йилт-йилт, гумбур-гумбур;*

boom, bang, gurgle, ding, dong, dung, dipp dopp dopp, rat-tat-tat, thump, plonk, crash, wham, knock knock, caboom, snip.

Таклид сўзлар орқали баҳо муносабатининг ифодаланиши. Таклид сўзларга хос хусусиятлардан бири нутқ эгасининг воқеликка баҳо муносабатини ифода этишдир. Таклид сўзлар баҳо муносабатини ифодалаганда прагматик вазифа бажаради. Таклид сўзлар товуш ёки образга таклид асосида нутқ эгасининг воқеликка бўлган салбий ёки ижобий баҳосини акс эттиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. – М., 1976.
2. Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений. Оценка. Событие. Факт. – М., 1988.
3. Баранов А.Г. Функционально-прагматическая концепция текста. – Ростов на Дону, 1993.
4. Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиқлар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 27 б.
5. Дейк ван Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1989. – 310с.
6. Кўлдошев Б. Модаллик категорияси ва субъектив баҳо муносабатлари // Тил ва адабиёт таълими. 2000. 6-сон. – Б. 64–68.
7. Лутфуллаева Д. Ўрнига кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 1996. – №5. – Б. 46–48.
8. Мадрахимов И. Сўз серкирралиги ва уни таснифлаш асослари. – Фарғона, 2005. – 103 б.
9. Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16. Лингвистическая прагматика. – М., 1985.
10. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 285 б.
11. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Тошкент. 2001. – 49 б.
12. Darwin, C. The Expression of the Emotions in Man and Animals. London: Harper Collins, 1998.–370 p.
13. Oxford Dictionaries.
14. Onomatopoeia Dictionaries.